

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фаргона,  
2021.

<b>А.Юсупов</b>	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари .....	106
<b>И.Боҳодиров</b>	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти .....	112
<b>С.Холиқов</b>	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни .....	118
<b>А.Юлдашов</b>	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари .....	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
<b>А.Сабирдинов</b>	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати .....	126
<b>Д.Қаландарова</b>	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида .....	129
<b>Н.Сабиров</b>	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси .....	134
<b>А.Абдурахмонов</b>	
Насрий асарда ранг – лейтмотив .....	137
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>О.Латипов</b>	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти .....	140
<b>Я.Нишанов</b>	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари .....	146
<b>Ш.Искандарова, З.Маруфова</b>	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши .....	150
<b>М.Турсунова</b>	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи .....	153
<b>Т.Алимов</b>	
Таржима назарияси ва амалиёти .....	157
<b>М.Саидова, Н.Расулова</b>	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили .....	161
	ПЕДАГОГИКА
<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик .....	166
<b>Б.Ходжаев</b>	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги .....	172
<b>Г.Назарова</b>	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари .....	176
<b>Г.Алимжонова</b>	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари .....	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>Б.Абдуганиев, Н.Азимова</b>	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш .....	186

УДК: 328+32+666.23

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИРОЛЬ ПАРЛАМЕНТА В ОБЕСПЕЧЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В  
ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

## THE ROLE OF PARLIAMENT IN ENSURING NATIONAL SECURITY IN FOREIGN COUNTRIES

Сарвар Холиқов<sup>1</sup><sup>1</sup>Сарвар Холиқов– Тошкент давлат юридик университети мустақил  
изланувчиси**Аннотация**

Мақолада парламентнинг миллий хавфсизлик сиёсатини шакллантиришда тутаган ўрни, уни хавфсизликка доир сиёсатни юритиш тартиби, парламентнинг бу йўналишдаги вазифа ва ваколатлари ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, аниқ хорижий мамлакатлар мисолида миллий хавфсизлик сиёсатини юритиш амалиёти ва тажрибаси ҳақида баён этилган.

**Аннотация**

В статье рассматривается роль парламента в формировании политики национальной безопасности, порядок его политики безопасности, задачи и полномочия парламента в этой сфере. При этом описывается практика и опыт проведения политики национальной безопасности на примере конкретных зарубежных стран.

**Annotation**

The article examines the role of parliament in the formation of national security policy, the order of its security policy, tasks and powers of the parliament in this area. At the same time, the practice and experience of conducting national security policy is described on the example of specific foreign countries.

**Таянч сўз ва иборалар:** парламент, миллий хавфсизлик, директива, сиёсий хавфсизлик, давлат манфаати, миллий манфаат.

**Ключевые слова и выражения:** парламент, национальная безопасность, директива, политическая безопасность, государственные интересы, национальные интересы.

**Key words and expressions:** parliament, national security, directive, political security, state interests, national interests.

Мамлакатимизда мустақилликдан бери миллий, иқтисодий, ахборот, ҳарбий хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинган бўлиб, йиллар давомида ушбу йўналишда узлуксиз равишда ислохотлар амалга оширилган. Бугунги глобаллашув даврида жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро уйғунлашиш ҳамда ҳамкорликда фаолият юритиш ҳар қачонгидан ҳам зарур аҳамиятга эгадир. Давлатнинг миллий манфаатларини таъминлаш бевосита миллий хавфсизлик сиёсати билан бевосита боғлиқдир. Бунинг учун эса аввало қонунчилик ҳокимиятини халқаро андозалар ва маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, унга зарур ваколатларни тақдим этиш ҳамда вазифаларни аниқ белгилаб бериш долзарб аҳамиятга эгадир.

Демократия талабларига жавоб берадиган ҳаётий парламент институтини яратиш мамлакатларимиз олдида турган энг

муҳим вазифалардан биридир. Бугунги кунда давлат учун масъул бўлган парламент жаҳонда рўй бераётган турли иқтисодий-ижтимоий, сиёсий муаммоларга қарши туришга ва хавфсизлик-мудофаа масалалари бўйича самарали ва демократик фуқаролик назоратини ташкил этувчи институтлардан бирига айланиши лозим.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида парламент давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган, очиқ, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган, Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда илгари суришга асосланган ташқи сиёсий йўлнинг фаол иштирокчисига айланди. Ўз навбатида, қуйи палатанинг парламентларо ҳамкорлик алоқалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга мос равишда янги сифат босқичига кўтарилди.

## ТАРИХ

Хавфсизлик масалаларига ҳозир ўтмишга нисбатан анча кенг нуқтаи назардан қаралмоқда. Хавфсизлик бугунга келиб, фақат шахсий ҳимоя, ҳарбий таҳдидлар ва қуролли ҳужумлардан ҳимояланиш эмас, балки ҳар бир давлатнинг асосий устувор мақсад ва вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, хавфсизлик тушунчаси анча кенг бўлиб, у эпидемиялар ва юқумли касалликларга қарши ҳимоя, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, “хавфсиз фуқаро” ва ишончли озиқ-овқат таъминоти хавфсизлигини таъминлаш, ҳалокатли иқлим ўзгаришини олдини олиш каби турли масалаларни ўз ичига олади. Мамлакатлар глобаллашувнинг ўсиши туфайли ташқи дунёга тобора кўпроқ қарам бўлиб бормоқда. Ҳар бир давлат ўз ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, ресурсларнинг мавжудлиги ва бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда юзага келган муаммоларни ҳал қилади.

Фуқароларнинг турли фикр-мулоҳазаларини инobatга олган ҳолда тегишли қонунчиликни яратиш билан бирга парламент давлат бошқарувининг институционал тизимини бир меъёردа ишлашини таъминлаши натижасида демократик анъаналар ва фуқаролик назорати жараёнини биргаликда қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Кўплаб мамлакатларда парламентга кўпинча ижроия ҳокимиятини назорат қилувчи ҳамда президент таклифларини давлатнинг Асосий Қонуни қоидаларига мувофиқлаштирадиган расмий институт сифатида қаралади.

Шу билан бирга, парламент назорати уларни шакллантирган жамият иродаси парламентлари томонидан жамоатчилик билан таъминлашнинг бир шакли эканлиги яққол кўриниб турибди. Миллий хавфсизлик соҳасида парламент назорати кўпинча фуқаролар, жамият ва давлат учун молия-бюджет соҳаси, ҳуқуқ ва эркинликлар соҳаси, ижтимоий сиёсат ва бошқалардан кам эмас. Шунингдек, парламентнинг ушбу йўналишдаги сиёсати халқаро ва миллий хавфсизлик ҳолатига ижобий ёки, аксинча, салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, парламент муаммолари (яъни, маълум даражада жамоатчилик) бу соҳадаги назорат, унинг шаффофлиги, мавжудлик даражаси ва самарадорлиги ва унга ижро этувчи ҳокимият органлари етарли жавоб

ҳар доим фуқароларда қаттиқ қизиқиш уйғотади.

Академик А.А. Кокошиннинг қуйидаги фикрлари аҳамиятга молик: “барча Ғарб давлатлари камида иккита умумий хусусиятга эга. Улар миллий хавфсизлик тизимига киритилган соҳаларда фуқаролик бошқарувининг аниқ тизимининг мавжудлиги ва бу сиёсатни амалга оширишда парламентларнинг муҳим ўрин тутишлиги” [1].

Бугунги кунда АҚШ Миллий хавфсизлик стратегияси ҳукумат ишининг қуйидаги асосий йўналишларини акс эттиради:

- масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- энг йирик халқаро масалалар бўйича сиёсатни белгилашда АҚШ ва ЕИнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- демократлаштириш жараёнларида мамлакатларга ёрдам кўрсатиш;
- Ғарб маданиятининг энг жозибали ва умумбашарий сифатида тарқалишига кўмаклашиш [2].

Баъзи бир мамлакатларда миллий хавфсизликни юритишга доир ваколат ҳукуматга берилган. Масалан, Австралияда ижро ҳокимияти, яъни ҳукумат миллий хавфсизлик сиёсатини юритишда асосий масъул ҳисобланади. Австралия асосий қонунига кўра, миллий хавфсизлик – бу, халқаро алоқалар, мудофаа, разведка, терроризмга қарши курашиш, иммиграция ва чегаралар ҳимояси билан боғлиқ давлат сиёсати [3].

Сўнги вақтларда миллий хавфсизлик сиёсатини юритишда ҳукумат асосий ўрин тутган турли мамлакатларда жамият аъзолари томонидан ушбу йўналишдаги ваколатларни парламентга тақдим этилиши бўйича турли чақирувлар бўлмоқда. Масалан, 2011 йилда Буюк Британия томонидан уруш эълон қилиш билан боғлиқ жараёнда парламент иштирок этиши лозим, деган тизимга ўтилди. Бунга кўра, эндиликда уруш эълон қилиш билан боғлиқ қарор парламент томонидан тасдиқланиши белгиланди. Хусусан, 2013 йилда Буюк Британия парламенти қуйи палатаси томонидан АҚШнинг Суриядаги уруш ҳаракатларига қўшилиш бўйича Бош вазир Ж.Кэмерон бошчилигидаги ҳукумат томонидан киритилган таклиф рад этилган.

Тадқиқотларга кўра, Африка минтақасида содир бўлган ички ва минтақавий можароларга асосий сабаб тинчлик ва хавфсизлик билан боғлиқ қонунчиликнинг етарли даражада эмаслиги билан характерланади. Кўп ҳолларда мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги идоралар билан келишилган ҳолда бир мамлакат бир томонлама ички фуқаролар урушига ёки қўшни мамлакат билан урушга кириши мумкин. Бундай қарорлар одатда халқ томонидан референдум орқали ёки уларнинг вакиллари орқали қабул қилинади. Бундай қарорларни қабул қилишда парламент билан келишилмаган ҳолатлари жуда ҳам кўп. Кўп ҳолларда парламент билан келишилмаганлик, унинг халқ билан мулоқот ва дипломатияни самарали олиб бормаслиги, қонун чиқарувчи орган сифатида вакиллик ва халқ олдида ҳисобдор эмаслиги билан характерланади. Мисол сифатида кўплаб Африка мамлакатларида ижро ҳокимиятининг бефарқлиги туфайли ҳамда парламентга етарли ваколатлар берилмаганлиги сабабли хавфсизлик билан боғлиқ кўрсаткичлар сезиларли даражада тушиб кетганлигини айтиш мумкин.

Шуни таъкидлаш кераки, сўнгги 20-30 йил ичида Африка қитъасида авторитар ва диктаторлик ҳукмронлигининг пасайиши ҳамда демократик бошқарув пайдо бўлгандан кейин ҳам қитъада парламентлар ўзини жуда яхши исботламаган, деган умумий фикр мавжуд [4]. Худди шундай ҳолат Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам кузатилган бўлиб, парламент назорат қилиш билан боғлиқ вазифаларини бажаришда аниқ натижаларга эришилмаганлиги ҳамда ушбу сиёсатни тўғри амалга оширмаганлиги сабабли жамият орасида ҳурмат қозона олмади.

Бироқ, шундай бўлса-да, парламент демократик давлат ривожланишининг шарти сифатида хавфсизлик билан боғлиқ қонун ҳужжатларини мониторинг қилишда, хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлат ресурсларини сафарбар қилиш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу тузилма ҳокимиятнинг энг олий ва дастлабки бўғини ҳисобланади.

Фикримизча, тўғри фаолият кўрсатаётган парламент ўзининг қонун чиқарувчи ролини бажаришдан ташқари, умумий давлат функцияларини ҳам назорат

қилиши лозим. Бунга сиёсий тартибни сақлаш, қонун устуворлиги ҳамда тинчлик ва хавфсизлик билан боғлиқ масалалар бўйича ижро тизимини назорат қилиб бориш, шунингдек, можароларни ҳал қилиш учун хавфсизлик идораларидан тўғри фойдаланиш киради. Бунда, энг аввало, парламент аъзолари мамлакатнинг умумий мудофаа ва хавфсизлик сиёсатидан хабардор бўлишлик ҳамда уни билишлик ва шунга мос равишда тарғибот тадбирлари ва парламент дипломатиясини тўғри равишда амалга ошириши керак. Шунга мос равишда миллий хавфсизликка доир тегишли концепция ёки доктрина ишлаб чиқирилиши ҳамда давлатнинг умумий ҳимояси ва мудофаа тизимини таъминлаш, қуролли кучлар томонидан миллий суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш, шунингдек, инсонларнинг сиёсий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий қадриятларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Бир қатор мамлакатларда миллий хавфсизлик билан боғлиқ ваколат ва вазифаларнинг ҳукуматга берилганлиги юзага келадиган хавфларга тезлик (зудлик) билан муносабат билдириш, қарорлар қабул қилиш жараёнининг узоқ давом этиши, овоз бериш жараёнида зиддиятлар (қарама-қаршилиқлар) юзага келиш эҳтимоли билан характерланади. Шунингдек, ташқи сиёсат ва разведка маълумотлари ахборотларини олиш ва уларни қайта ишлаш каби вазифалар парламентнинг хавфсизлик билан боғлиқ вазифаларини ҳал этишда қўшимча муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Миллий хавфсизлик соҳасидаги парламент назорати механизмлари ва ваколатларни ажратиш тамойилига риоя қилиш муаммолари амалиётда кўпинча қуролли кучлардан фойдаланиш масалаларида, Президент ва ижро ҳокимияти ўртасида ваколатлар доираси ва уларнинг чегаралари бўйича кўпинча келишмовчиликларни ҳал қилишда аниқ намоён бўлади.

Халқаро йўналишдаги ҳужжатлар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1970 йилдаги “Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларацияси”ни алоҳида таъкидлаш жоиз [5]. Ушбу декларациянинг асосий мақсади

## ТАРИХ

жаҳонда тинчлик, Ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, бир қатор минтақавий ташкилотлар томонидан миллий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, турли йўналишларда турлича ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, булар қаторида Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг терроризм, сепаратизм ва экстремистик ғояларнинг, шу жумладан интернет тармоғида тарқалишига қарши курашиш бўйича баёноти, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир ҳамкорлик бўйича баёноти, ШХТга аъзо-мамлакатлар ҳудудида эпидемия хавфларига қарши туриш бўйича баёноти, халқаро терроризмга ҳамкорликда қарши курашиш бўйича баёноти, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича баёноти, халқаро молиявий-иқтисодий кризис оқибатларини бартараф этиш ва иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги ташаббуси кабиларни айтиб ўтиш лозим [6]. Шунингдек, амалдаги нусхаси 2009 йилда кучга кирган, Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномада иттифоқа аъзо-мамлакатларнинг миллий хавфсизлик сиёсатига алоҳида ва кенг урғу берилган [7].

Шуниси муҳимки, кўплаб давлатлар конституцияларида парламентнинг хавфсизлик соҳасига масъул эканлиги ёки ушбу йўналишдаги устувор йўналишлари келтириб ўтилган. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг Конституциясининг 61-моддасида Парламент вазифалари қаторида “давлатнинг хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаши” алоҳида қайд этилган [8].

Ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш худди иқтисодий хавфсизлик каби бугунги куннинг долзарб масалалари

қаторида турибди. Д.Таджибаевага кўра, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш, бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Аввало, шу аччиқ ҳаётий ҳақиқатни эътироф этиш керакки, глобаллашув жараёнида ахборот ғоявий таъсир ўтказишнинг кучли воситасига айланиб бормоқда. Аксарият мафкуравий марказлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишда ахборот хуружларидан фойдаланмоқда [9].

Бугунги глобаллашув жараёнларида хавфсизликнинг турлари ва у билан шуғулланувчи ваколатли органларнинг вазифалари юзасидан турли назарий ва доктринал фикрлар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, миллий хавфсизлик билан боғлиқ сиёсатни юритиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда парламент алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу жараён хавфсизликнинг ҳар қандай йўналишлари (сиёсий, миллий ва давлат) учун татбиқ этилади. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам миллий хавфсизлик сиёсатини юритиш ва бунда парламентнинг роли ҳамда ваколатларини ошириш долзарб аҳамият касб этади. Бунда ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу йўналишдаги амалий тажрибаларини ўрганиш ва миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш лозим. Зеро, миллий хавфсизлик сиёсати жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатланган тарзда ҳимояланганлигини билдирадиган комплекс тадбирлар тизимидир.

## Адабиётлар:

1. Кокошин А.А. Стратегическое управление: теория, исторический опыт, сравнительный анализ, задачи для России. М.: МГИМО (У) МИД РФ; РОССПЭН, 2003 51 б.
2. И.Васильева. “Зарубежный опыт обеспечения национальной и экономической безопасности”. Экономические науки 2019 № 12 (181) DOI: 10.14451/1.181156. [https://ecsn.ru/files/pdf/201912/201912\\_156.pdf](https://ecsn.ru/files/pdf/201912/201912_156.pdf)
3. [https://www.aph.gov.au/About\\_Parliament/Senate/Powers\\_practice\\_n\\_procedures/pops/Papers\\_on\\_Parliament\\_68/Parliament\\_and\\_National\\_Security\\_Challenges\\_and\\_Opportunities](https://www.aph.gov.au/About_Parliament/Senate/Powers_practice_n_procedures/pops/Papers_on_Parliament_68/Parliament_and_National_Security_Challenges_and_Opportunities)
4. [http://socialsciences.scielo.org/scielo.php?script=sci\\_arttext&pid=S0717-14982006000100004](http://socialsciences.scielo.org/scielo.php?script=sci_arttext&pid=S0717-14982006000100004)
5. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/intsecurity.html](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/intsecurity.html)
6. <http://rus.sectesco.org/documents/>
7. <https://eulaw.ru/treaties/teu/>
8. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1005029#pos=775;-54](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1005029#pos=775;-54)
9. Д.Таджибаева. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш. Yuridik fanlar axborotnomasi. 1 (2017) 56-61